

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2010-6602

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА

№ 28 (1259)

2020 ЙИЛ 23 ИЮЛЬ

Жорий йилнинг 14 июль куни "Fitch Ratings" халқаро рейтинг агентлиги "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банкнинг "хорижий ва миллий валюталардаги узоқ муддатли эмитент дефолт рейтингини (IDR) "BB-" даражасида тасдиқлади. Рейтинглари истиқболли "барқарор".



"ИПОТЕКА-БАНК" ЭЪТИРОФДА

"Ипотека-банк" АТИБ узоқ муддатли эмитент дефолт рейтинглари "Fitch Ratings" рейтинг агентлиги фикрини асос этириб, зарурат туғилганда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш эҳтимоли юқорилигини билдиради.

"Ипотека-банк" АТИБ Ўзбекистон банк секторида тўртинчи йирик банк бўлиб, 2019 йил якуни бўйича банк секторида 9 фоиз улушга эга бўлди. Банк мамлакатимизнинг барча минтақаларини

қамраб олган кенг филиаллар ва бўлинмалар тармоғи орқали турли хил турдаги банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

"Fitch Ratings" халқаро рейтинг агентлиги таҳлилчиларининг фикрига кўра, "Ипотека-банк" АТИБ ўз фаолияти ўсишини таъминлаш учун кучли капиталлашув кўрсаткичларига, етарли даражадаги ликвидликка, яхши активлар сифати, шунингдек барқарор молиялаштириш манбаларига эга.

БЮДЖЕТ ТАЛОН-ТАРОЖЛИГИГА ЧЕК ҚЎЙИЛМОҚДА

ДАВЛАТ молиявий назорати департаменти томонидан 2020 йилнинг биринчи ярим йиллигида Иш режа, Ҳукумат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг топшириқлари асосида 2 584 та молиявий назорати тадбирлари ўтказилди.

МОЛИЯВИЙ назорат тадбирларининг асосий қисми, яъни 2010 таси (79%) бюджет маблағларини мақсадли ишлатилиши юзасидан ўтказилган

бўлиб, назорат тадбирларида 81,7 млрд. сўм миқдоридан бюджет интизомини бузиш, пул ва товар моддий бойликлар камомати каби ҳолатлар аниқланди.

Назорат тадбирлари давомида қўрилган чора-тадбирлар натижасида ноқонуний сарфланган маблағларнинг 57,4 млрд.сўми (70%) тегишли бюджетларга тикланиши таъминланди.



Ҳисобот даврида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари ва бошқа хато-камчиликларнинг таҳлили вазирликлар

бўйича қуйидагиларни ташкил этди:

Халқ таълими вазирлиги тизимида ўтказилган 297 та назорат тадбирларининг 235 тасида 21,5 млрд.сўм миқдоридан қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 2019 йилнинг мос даврига (9 млрд.сўм) нисбатан қонунбузилиш ҳолатлари 2,5 мартага ошган.

(Давоми 5-саҳифада)

КАРАНТИН даврида банклар томонидан миқозларга қандай қулайликлар яратилди? Масофавий банк хизматлари етарли даражада ишлаши шакллантириляптими? Шу каби саволларга Марказий банк Ахборот хизмати томонидан батафсил жавоблар тайёрланди.

— Коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ва банк миқозларига қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида тижорат банклари томонидан масофавий банк хизматларини такомиллаштиришга ҳар доимгидан ҳам кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирда мамлакатимизнинг деярли барча тижорат банклари мобил иловаларида базавий банк хизматларини онлайн равишда, уйда ўтирган ҳолда бажариш имконияти мавжуд.

Жорий йилнинг февраль ойидан Марказий банк томонидан ҳўжалик субъектлари учун 24/7 режимида ишловчи тезкор тўловлар тизими йўлга қўйилиб, бугунги кунда ушбу тизимга 31 та банк уланди.

АҲОЛИ МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИДАН РОЗИМИ



Халқаро EMV стандартларига мувофиқ, тўловларни амалга ошириш имкониятини берувчи "QR-online" универсал тўлов хизмати тўлиқ ишга туширилди ва ҳозирга келиб 4 100 дан зиёд тадбиркорлик

субъектига ана шундай QR-кодлар тақдим этилди.

Туронбанк ҳамда Миллий банклараро процессинг маркази (Хумо тизими) ҳамкорлигида NFC технологияси мавжуд воситалар

орқали мобил телефонлар, планшетлар ва бошқа воситалар ёрдамида (тўлов терминалидан фойдаланмаган ҳолда) янги контактсиз тўлов қабул қилиш "Tap2Phone" инструменти ишлаб чиқилди ва жорий йилнинг май ойидан кенг омма фойдаланиши учун тақдим этилди.

(Давоми 2-саҳифада)



“АГРОБАНК” АВТОКРЕДИТЛАР ТАҚДИМ ЭТМОҚДА

Мазкур автокредитларнинг фоиз ставкаси йиллиги 21 фоиз. Дастлабки, тўлов автомобиль умуний нарҳининг 30 фоиз бўлиб, кредит муддати автомашина русумига қараб 3 йилдан 4 йилгача берилмоқда.



ЭЛЕКТРОН ҲАМЁНДАГИ АМАЛИЁТ УЧУН 0,25 ФОИЗ КОМИССИЯ ҲАҚИ УНДИРИЛАДИ



“Uzcard-Ягона умум республика процессинг маркази”-нинг хатига асосан, “Uzcard” тизими ва “Ипотека-банк” АТИБ ўртасида 2020 йил 1 июлда шартнома имзоланган бўлиб, унга кўра “Iroteka Mobile” мобил иловаси орқали Uzcard банк картасидан электрон ҳамёнга ўтказишдаги амалиёти учун 0,25 фоиз комиссия ҳақи ундирилади.

НАҚД ПУЛ ЕЧИШ 1,5 ФОИЗ

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ шуни маълум қиладики, 2020 йилнинг 1 августидан орқали “Золотая корона” пластик карточкалардан нақд пул ечиш учун 1,5% миқдорда тўлов ўрнатилади.

“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙДИ

Жорий йил 16 июлдан “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ рақамли трансформация стратегияси доирасида банк мижозларига JOYDA мобил иловаси орқали “Золотая корона” пул ўтказмаларини тўғридан-тўғри қабул қилиш имконини берувчи янги хизматни жорий этмоқда.

Эндиликда мижозларга юборилган пул маблағлари Ўзсаноатқурилишбанкнинг Visa карталарига бир зумда тушади ва исталган вақтда банк кассаларида ечиб олиниши ёки JOYDA иловасининг ўзида Uzcard ёки HUMO картасига миллий валютага конвертация қилиниши мумкин.

Карантин талабларига риоя қилиниши таъминлаш мақсадида банк “Золотая корона” пул ўтказмаларининг доимий олувчилари учун VISA карталарини чиқариш ва уларни мижоз уйга етказиши ҳам йўлга қўяди. Шу билан бирга мижозларга пул ўтказмаларини карталарга мустақил равишда тушириш ҳамда маблағларини исталган банкнинг терминал ва банкоматларида ечиб олиш ўргатилади.

Келгусида барча пул ўтказмалари турларини JOYDA мобил иловасида бирлаштириш ҳам кўзда тутилган бўлиб, бу мижозларга трансчега-



равий пул ўтказмаларини биргина иловадан фойдаланган ҳолда кечаю-кундуз қабул қилиш ва юбориш имконини беради.

Эслатиб ўтаамиз, бир томондан товар ишлаб чиқарувчилар ва савдо ритейлерларни, иккинчи томондан эса уй хўжалиklarини бирлаштирувчи JOYDA электрон савдо майдончаси (маркетплейс) жорий йилнинг май ойи бошида ишга туширилган бўлиб, йил охиригача унинг фойдаланувчилар сони 300 мингга етиши кутилмоқда.

Бутун дунёда пандемия давом этяпти. Сир эмас, айни пайтда аксарият давлатлар иқтисодиёти танг аҳволда. Бундай пайтда биров бировга пул бериши қийин масала. Катта миқдордаги кредитни-ку гапирмаса ҳам бўлади.

ХАЛҚ БАНКИ ЎЗБЕКИСТОНГА ИНВЕСТИЦИЯ ЖАЛБ ҚИЛМОҚДА

Cargill

Helping the world thrive

Аммо шундай қийин шароитда ҳам Халқ банки бу борада аниқ натижаларга эришадигани эътирофга молик. Яқинда банк АҚШнинг “Cargill Financial Services International, Inc.” молия компаниясидан 50 миллион АҚШ доллари миқдорда кредит жалб қилди.

Албатта, бунда Халқ банкнинг барқарор иш олиб бораётгани ва биринчи ярим йилликни катта фойда билан якунлагани АҚШ компанияси ишончига асосий сабаб бўлди.

Энди тадбиркорлар “Cargill Financial Services International, Inc.” кредит линиясининг маблағлари билан мамлакатимизнинг исталган ҳудудидида тадбиркорлик лойиҳаларини амалга оширишлари мумкин.

АҲОЛИ МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИДАН РОЗИМИ?

(Бошланиши 1-саҳифада)

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, мазкур технология барча тадбиркорлик субъектларига, биринчи навбатда, товар етказиб бериш хизматлари, такси ва бошқа манфаатдор корхоналарга тўлов терминалидан фойдаланиган ҳолда, нақдсиз тўловларни қабул қилиш имконини беради.

Шу билан бирга, жисмоний шахсларга банкларнинг мобил иловалари орқали онлайн микроқарзлар, автокредит ва кредит карталари каби банк хизматларидан фойдаланиш имконияти кенгайтирилди.

Банклар томонидан электрон тижорат тизимини ривожлантиришга қаратилган мобил иловаларда савдо майдончалари (маркетплейс) хизмати жорий қилиниб, унда масофадан туриб истеъмол товарлари ва автотранспорт воситаларини онлайн кредит ҳисобига харид қилиш ва маҳсулотларни мижозларга етказиб бериш тизими йўлга қўйилмоқда.

Шунингдек, карантин даврида банкка келиш имконияти йўқлиги ҳисобга олиниб, мижозларга банк картасини очиш учун масофавий алоқа каналлари (веб-сайт, Call-марказ, телеграм ботлар) орқали онлайн ариза юбориш имконияти яратилди. Натижада мижоз мурожаати асосида банк карталарини унинг уй манзилига бепул етказиб бериш тизими жорий этилди.

Тижорат банклари томонидан мобил илова дастурлари орқали жисмоний шахсларга айни вақтда куйидаги банк операцияларини бажариш имконини берувчи хизматлар таклиф этилмоқда:

- картадан картага пул ўтказиш операцияларини бажариш;

- солиқ, коммунал ва бошқа тўловлар (масалан, мобил алоқа ва интернет хизматлари, давлат хизматлари тўловлари, турли жарималар, хайрия учун маблағларни ўтказиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда турли таомларни етказиб бериш хизматлари учун) тўловларни амалга ошириш;

- мижоз талабига кўра банк картасини блоклаш ёки блокдан чиқариш;

- банк карталарига онлайн буюртма бериш;

- жисмоний шахслар учун микроқарз олиш ва уларни сўндириш;

- онлайн омонатларни очиш ва маблағларни жойлаштириш;

- онлайн конверсия амалиётларини бажариш;

- халқаро банк карта ҳисобварағидан тўловларни амалга ошириш ва маблағлар ҳаракатини мониторинг қилиш;

- банк инфратузилмалари (филиаллар, айирбошлаш шохбчалари, банкомат ва инфокиосклар) дислокацияси ҳақида маълумот олиш;

- халқаро пул ўтказмалари тизими орқали келган маблағларни мижознинг хоҳишига кўра, банк ҳисобварағи (омонати) ёки банк картасига киритиш ва бошқалар.

Ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектларга масофавий тизимлардан фойдаланган ҳолда бир нечта амалиётларни бажариш имконияти яратилган. Хусусан:

- банк ҳисобварақларидаги маблағларни тасаруф этиш ва тўловларни амалга ошириш (яъни ҳисобварақлар ҳаракатини мониторинг қилиш);

- валюта маблағларини сотиб олиш (яъни, конвертация) учун буюртманомани электрон шаклда хизмат кўрсатувчи банкка юбориш;

- ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўтказиш учун электрон қайднома (ведомость)ни банкка узатиш ва бошқа хизматлардир.

Бу каби қулайликлар аҳолига банкка ташриф буюрмаган ҳолда, қулай, тезкор ва ишончли тўлов хизматларидан фойдаланиш имконини бermoқда.

“ТУРОНБАНК” КРЕДИТИ ЭВАЗИГА ЯНГИҚҮРҒОНДА ЙИЛИГА 375 ТОННА ЛИМОН ЕТИШТИРИЛАДИ

Инсон фаолиятининг барча соҳаларида замонавий техника ва технология қанчалик тараққий этмасин халқнинг иқтисодий, маънавий ва маданий-маиший ҳаётини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айни пайт мамлакатимизда ушбу тармоқ ривожига катта эътибор қаратилиб, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар етиштириш йўлга қўйилмоқда. Сабаби, республикаимиз аҳолисининг аксарият қисми қишлоқларда истиқомат қилади ва уларнинг кўпчилиги мазкур йўналишда зарур бўлган малака, кўникма ва тажрибага эга.



Айниқса, пўстида юрак-қон томир тизими касалликларининг олдини олувчи ва даволовчи шифобахш моддалар мавжуд бўлган, цитрус мевалар оиласига мансуб лимон маҳсулотини тайёрлаш йўналишида. Ушбу ўсимликни парваришlash бизга XX асрнинг иккинчи ярмида кириб келганга қарамастан, миришкорларимизнинг изланишлари натижасида унинг “Тошкент”, “Юбилейний”, “Мейер” сингари кўплаб турлари ишлаб чиқилиб, хорижда ҳам кенг оммалашди.

Бугунги кунга келиб эса уни насафат етиштириш балки, қайта ишлаган ҳолда сифатли консервланган шарбатлар, мураббо, қиём, мармелад, салқин ҳамда шифобахш ичимликлар тайёрлашга қўшимчалар ишлаб чиқариш, бунинг учун замонавий иссиқхоналар ташкил этиш ишларига алоҳида эътибор қаратишда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан юртимизнинг унумдор ту-проқларида хорижий технологияларга асосланган экинзорларни ишга туширишга инвестициялар жалб қилиниб, тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратилиши кенгайишди.

Наманган вилояти Янгиқўрғон туманида барпо этилган 2 гектарлик лимон етиштиришга мўлжалланган иссиқхона сўзимизга исбот бўлиши мумкин.

“Vodiy-Agro Kompleks” фермер хўжалиги раҳбари Мамаджон Искандаров яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ўз бизнесини йўлга қўйган ишбилармондир. Лойиҳанин-нинг умумий қиймати 6,0 млрд. сўм бўлиб, уни амалга ошириш учун фермер хўжалигининг 1,5 млрд. сўмлик ўз маб-

лағлари сарфланди ҳамда 4,6 млрд. сўм Туронбанк кредити ўзлаштирилди. Унинг эвасига эса Хитой Халқ Республикасининг “Yiwu Louhuan Trading” компаниясидан замонавий иссиқхона мажмуаси хусусан, иситиш тизими ва ҳаво тозалаш механизмлари олиб келинди. Айни вақтда умумий майдоннинг 1,6 гектарининг қурилиш ишлари якунланиб, “Тошкент” навли 1 минг 700 туп лимон кўчатлари экилди. Бунинг натижасида доимий 10 та ёлланма шаклда яна 25 та янги иш ўрни яратилди.

– Бежизга халқимизда “Томорқасини яшнатган яхши яшайди” деган гап юрмайди. Сабаби, саховатли ердан унумли фойдаланган ҳеч бир инсон кам бўлмайди. Серкўёш заминимизда етиштирилаётган мева-сабзавотлар саломатлик учун ғоят муҳим бўлган микроэлементлар ва озик-овқат рационидида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги, юқори сифати, экологик тоза ва хавфсизлиги, рақобатбардошлиги билан бошқа минтақаларнинг ана шундай маҳсулотлардан сезиларли даражада юқори туради. Шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда



Реклама ўрнида

биз ҳам хайрли ишга қўл уриб, сердаромад соҳа бўлган лимончилик билан шуғулланишга қарор қилдик. Бунда эса бизга “Туронбанк” мутахассислари яқиндан ёрдам беришди. Улар билан бизнес режамизни муштахамлаб, ускуналар хариди учун кредит олишга келишдик. Иссиқхонамиз замонавий типда бўлиб, барча жараёнлар тўлиқ автоматлаштирилган. Хусусан, ерни минерал ўғит ва намлик билан таъминлаш, совутиш ҳамда мўтадил иқлим яратувчи сўғориш тизимлари компьютерлар орқали бошқарилади. Иссиқхонанин-нинг устки қисмига қўлланган очилиб-ёпилувчи қурилма эса лимонларни “термос” усулида парваришлар имкониятини беради – деди “Vodiy-Agro Kompleks” фермер хўжалиги раҳбари Мамаджон Искандаров.

Тадбиркорнинг сўзларига кўра, кўчатлар ҳосилга кирган 2024 йилга келиб йиллик 200 тонна, 2025 йилдан эса 375 тонна маҳсулот олиш кўзда тутилган бўлиб, уларнинг аксарият қисми ташкилотларга йўналтирилиши режалаштирилмоқда. “Наманган ҳақиқати” газетасининг келтиришича, бугунги кунда вилоят 64 миллион долларлик экспорт операцияларини амалга оширган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 29 фоизга ошган. Аҳамиятлиси, уларнинг 3,4 фоизи мева-сабзавотлар йўналишига тўғри келмоқда. Турган гапки, мазкур жараёнларда Президентимиз томонидан Наманган вилоятининг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва ривожлантиришга чет эл инвестицияларини жалб қилиш борасида яратиб берилган кенг имкониятларнинг ўрни муҳимдир.

Банк Ахборот хизмати

Марказий банк Бошқарувининг “Микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларининг ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигига доир минимал талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (30.06.2020 йилда 3260-сон билан рўйхатдан ўтказилган) қабул қилинди.

КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАЙДИЛАР?



Нобанк кредит ташкилотлари ўз фаолиятининг барқарорлигини, ахборот тизимлари (АТ) ва ресурсларидаги ахборотнинг хавфсизлигини таъминлашлари лозим. Юзага келиши мумкин бўлган ахборот хавфсизлиги нохуш ҳодисаларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва уларнинг юзага келиш эҳтимолини бартараф этиш чораларини кўриш ҳам уларнинг вазифасига қиради.

Кўрсатилган ташкилотлар куйидаги минимал талабларни бажаришлари лозим: антивирус дастури билан ахборот муҳофазасини таъминлаш;

амалга оширилган тўловларга оид маълумотларни электрон тарзда қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сақлаш;

махфий ва шахсга доир маълумотлардан қонунга зид равишда фойдаланиш ҳамда маълумотлар ноқонуний ошкор этилишининг олдини олиш;

техник носозликлар вақтида АТнинг узлуксиз фаолиятини таъминлаш, шу жумладан, ушбу тизимларда қўлланилган дастур ва маълумотлар нусхаларини сақлаш;

телекоммуникация тармоғи орқали ахборот алмашинувидаги тўлов маълумотларини муҳофаза қилиш;

маълумотларга ишлов берувчи компьютер ва серверларнинг ахборот муҳофазасини таъминлаш, уларни узлуксиз электр таъминоти манбаи қурилмалари (UPS) билан жиҳозлаш;

қўриқлаш, ёнғиндан огоҳ этиш ва ташвишдан хабар бериш, видеокузатув ҳамда ўт ўчириш тизимларини жорий қилиш;

АТ маълумотлари йиғиладиган

ган ва уларга ишлов бериладиган ҳудудларга (хоналарга) бегона шахсларнинг рухсатсиз (назоратсиз) киришининг олдини олиш, ушбу ҳудудлар видеокузатув тизими орқали назоратга олинган бўлишини ва видеокузатув маълумотларининг сақланишини таъминлаш;

тўлов ва махфий маълумотларнинг электрон нусхалари сақланишида ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

масофадан хизмат кўрсатишда миқозни идентификация, аутентификация ва авторизация қилиш ва б.

Низомда белгиланишича, нобанк кредит ташкилотлари ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бунга масъул ходимни тайинлашлари лозим. Ҳужжатда унинг асосий вазифалари санаб ўтилган.

Нобанк кредит ташкилотларининг ахборот муҳофазасини таъминловчи барча ахборот дастурлари лицензияланган бўлиши керак. Ахборот муҳофазаси дастурлари ва ускуналари қандай вазифалар бажарилишини таъминлаши кераклиги қайд этилган.

Нобанк кредит ташкилотлари ўзларидаги тўловлар тўғрисидаги маълумотларнинг ҳимоя қилинишида “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонунда белгиланган талаб ва тартибларга риоя этишлари зарур.

Содир бўлган нохуш ҳодиса тўғрисида Марказий банкка электр билан ёзма ёки электрон шаклда хабар бериш лозим.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 01.10.2020 йилдан кучга қиради.

Norma.uz

“Agrobank” акциядорлик-тижорат банки

Рўйхат рақами: ЎзР МБнинг 2014 йил 29 августдаги 18-сонли лицензияси.
Юридик манзили: 100096, Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 43 уй.

МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ 2019 йил 31 декабрь ҳолатига кўра (миллион сўмда)		
	31 декабрь 2019	31 декабрь 2018
АКТИВЛАР		
Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	1 352 296	1 119 834
Бошқа банклардаги маблағлар	247 196	137 789
Сотиш учун мўлжалланган мавжуд молиявий активлар	15 884 270	8 619 534
Инвестициявий қимматли қўғозлар	115 017	16 838
Қарамогдаги ҳўжалик юритувчи жамиятларга инвестициялар	25 050	42 223
Кечиктирилган солиқ активлари	10 665	17 864
Асосий воситалар ва номоддий активлар	606 848	288 767
Активлардан фойдаланиш ҳуқуқи	11 147	-
Бошқа активлар	176 508	50 752
Фойда солиғи бўйича жорий мажбуриятларнинг олдиндан тўланган маблағлари	36 519	9 924
Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар	75 200	75 200
ЖАМИ АКТИВЛАР	18 540 716	10 378 725
МАЖБУРИЯТЛАР		
Бошқа банклар депозитлари	1 066 756	535 294
Мижозларнинг депозитлари	5 589 737	3 002 045
Чиқарилган қарз қимматли қўғозлар	105 695	97 604
Бошқа мажбуриятлар	6 949 992	4 483 192
Ижара бўйича мажбуриятлар	14 899	-
Бошқа мажбуриятлар	61 686	35 922
Мувофиқлаштирилган мажбуриятлар	194 769	-
Фойда солиғи бўйича жорий мажбуриятлар	38 531	9 718
ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР	14 022 065	8 163 775
ХУСУСИЙ КАПИТАЛ		
Устав капитали	4 418 062	2 188 009
Эмиссион даромад	1 412	1 412
Қайта сотиб олинган ўз акциялари	(115)	(115)
Сотиш учун мавжуд бўлган молиявий активлани қайта баҳолаш фонди	7 120	5 432
Тақсимланмаган фойда	94 513	21 061
Банк акциядорларига тегишли жами хусусий капитал	4 520 992	2 215 799
Эгаликнинг назорат қилинмайдиган улуши	(2 341)	(847)
ЖАМИ ХУСУСИЙ КАПИТАЛ	4 518 651	2 214 952
ЖАМИ МАЖБУРИЯТ ВА ХУСУСИЙ КАПИТАЛ	18 540 716	10 378 727

Фойда ва зарарлар ёки умумий даромадлар тўғрисидаги йиғма ҳисобот (миллион сўмда)		
	2019	2018
Давом эттирилаётган фаолият:		
Фоизли даромад	1 685 175	879 135
Фоизли харажат	(841 828)	(268 653)
Соф фоизли даромадлар куйидагиларнинг зарарига қадар	843 347	610 482
ҳисобга олинмаган активларнинг қадрсизланиши бўйича	(125 675)	(82 852)
Активларнинг қадрсизланиши бўйича захиранинг қайта тикланиши, куйидагилар бўйича	717 672	527 630
Қишлоқ ҳўжалиги техникаларининг сотувидан тушган тушум	24 058	107 914
Савдонинг соф қиймати	(19 101)	(86 108)
Савдодан тушган соф тушум	4 957	21 806
Воситачилик ва хизматлар учун тўловлардан олинган даромад	275 628	212 447
Воситачилик ва хизматлар учун тўловлар бўйича харажатлар	(110 255)	(92 552)
Хорижий валютани қайта баҳолашдан олинган соф даромад	(17 508)	(20 676)
Олинган дивидендлар	4 490	2 118
Бошқа даромадлар соф қийматда	12 686	5 012
Бозор қийматидан арзон нархда бирламчи тан олинган активлар бўйича харажатлар чегириб ташлангандан кейинги даромадлар	-	77
Шўъба компаниялардаги инвестицияларнинг қадрсизланиши бўйича захира	(16 003)	-
Бошқа номолиявий активларнинг қадрсизланиши бўйича захира	(10 725)	-
Кредит хусусиятига эга шартли мажбуриятлар ва бошқа молиявий активларнинг қадрсизланиши бўйича захирани ташкил этиш	4 855	(507)
Инвестициявий қимматли қўғозларга қўйилмайдиган кўрилган зарар	-	(9 380)
Маъмурий ва бошқа операцион харажатлар	(736 829)	(542 865)
Қарамогдаги корхоналарнинг фойдадаги улуши	169	(362)
Солиқ ундирулгунга қадар кўрилган фойда	129 137	102 748
Солиқ тўлови бўйича харажатлар	(56 328)	(29 759)
Йиллик соф фойда	72 809	72 989
Куйидагиларга тегишли фойда:		
-Банк акциядорлари	73 452,00	73 836,00
-Эгаликнинг назорат қилинмайдиган улуши	(643)	(847)
Йиллик фойда	72 809	72 989
Давом этаётган фаолиятдан олинган базавий ва кўрсатилмаган даромад, банк акциядорларига тегишли (ҳар бир оддий акциядан ўз сўмида)	34	41

АКЦИЯДОРЛИК КАПИТАЛИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ 2019 йил 31 декабрь ҳолатига кўра (миллион сўмда)

Банк акциядорларига тегишли									
	Илова.	Устав капитали	Эмиссион даромад	Қайта сотиб олинган ўз акциялари	Сотиш учун мавжуд бўлган молиявий активларни қайта баҳолаш фонди	Тақсимланмаган фойда	Жами	Назорат қилинмайдиган улуши	Жами капитал
2017 йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ		1 360 610	1 412	(115)	6 726	(52 775)	1 315 858	54 090	1 369 948
Йиллик фойда		-	-	-	-	73 836	73 836	(847)	72 989
Бошқа умумий даромад		-	-	-	(1 295)	-	(1 295)	-	(1 295)
2018 йилда акс эттирилган жами умумий даромад		-	-	-	(1 295)	73 836	72 541	(847)	71 694
Акциялар эмиссияси		827 398	-	-	-	-	827 398	-	827 398
Шўъба корхоналарнинг чиқиб кетиши		-	-	-	-	-	-	(54 090)	(54 090)
2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ		2 188 008	1 412	(115)	5 431	21 061	2 215 797	(847)	2 214 950
Йиллик фойда		-	-	-	-	73 452	73 452	(643)	72 809
Бошқа умумий даромад		-	-	-	1 689	-	1 689	-	1 689
Жами умумий даромад, 2019 йилда акс эттирилгани		-	-	-	1 689	73 452	75 141	(643)	74 498
Акциялар эмиссияси		2 230 054	-	-	-	-	2 230 054	-	2 230 054
Шўъба корхоналарнинг чиқиб кетиши		-	-	-	-	-	-	(851)	(851)
2019 йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ		4 418 062	1 412	(115)	7 120	94 513	4 520 992	(2 341)	4 518 651

“Agrobank” акциядорлик-тижорат банки

(Бошланиши 4-саҳифада)

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ (2019 йил 31 декабрь ҳолатига кўра) (миллион сўмда)		
Операцион фаолиятдаги пул маблағлари ҳаракати	2019	2018
Олинган фоизлар	1,689,752	821,488
Тўланган фоизлар	(772,399)	(241,346)
Воситачилик ҳақи ва хизматлар учун тўловлар тарзида олинган пул маблағлари	277,826	210,973
Воситачилик ҳақи ва хизматлар учун тўловлар тарзида тўланган пул маблағлари	(110,255)	(92,553)
Савдо соф қиймати	(19,101)	(86108)
Олинган бошқа операцион даромадлар	8,311	131,742
Ходимлар таъминоти учун тўланган бошқа операцион харажатлар	(405,835)	(351,207)
Маъмурий ва бошқа операцион харажатлар	(271,283)	(147,874)
Тўланган фойда солиғи	(47,401)	(34,086)
Операцион активлар ва мажбуриятларда ўзгаришлар бўлгунча операцион фаолиятдан келган пул маблағлари	349,615	211,029
<i>Бошқа банклардаги маблағларнинг соф кўпайиши :</i>		
- Бошқа банклар маблағлари бўйича	(82,107)	(26,939)
- миқозлар кредити ва активлари бўйича	(7,064,401)	(5,355,199)
- бошқа активлар бўйича	36,214	7,447
<i>Кўйилган бўйича соф ўсиш/ (камайиш) :</i>		
- чиқарилган қарз қимматли қоғозлар	7,866	(35,846)
- бошқа банклар маблағлари	405,215	464,810
- миқозлар маблағлари	2,344,604	1,088,069
- бошқа мажбуриятлар	27,330	(1,384)
Операцион фаолиятда фойдаланилган соф пул маблағлари	(4,030,324)	(3,648,014)
ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ФАОЛИЯТДАГИ ПУЛ ОҚИМЛАРИ		

Бино, ускуналар ва номоддий активларни харид қилиш	(456,544)	(149,308)
Бино, ускуналар сотувидан тушган тушум	3,665	603
Инвестициявий қимматли қоғозларни харид қилиш	(96,851)	(947)
Шўба компаниялардаги инвестицияларнинг реализациясидан тушган тушум	1,339	-
Олинган дивидендлар	4,490	2,118
Инвестицион фаолиятда фойдаланилган соф пул маблағлари	(543,901)	(147,534)
Молиявий фаолиятдаги пул маблағлари		
Бошқа банкларнинг узоқ муддатли қўйилмаларидан олинган даромадлар	96,353	
Бошқа жалб этилган маблағлардан тушган кирим	-	500,000
Оддий акцияларнинг чиқарилишидан тушган кирим	11,969,379	9,878,969
Бошқа жалб этилган маблағларнинг сўндирилиши	(7,573,528)	(6,561,638)
Чиқарилган қарз қимматли қоғозлар	168,908	
Ижара билан боғлиқ мажбуриятларнинг сўндирилиши	(5,074)	-
Молиявий фаолиятдан келган пул маблағлари	4,656,759	3,817,331
Хорижий валютани айирбошлаш курсидаги ўзгаришларнинг балансларга таъсири	150,092	2,775
хорижий валютада қолган қолдиқларга таъсири	557	(637)
Пул маблағлари ва пул эквивалентларининг соф кўпайиши / (камайиши)	232,462	23,921
Йил бошидаги пул маблағлари ва пул эквивалентлари	1,119,834	1,095,913
Йил охиридаги пул маблағлари ва пул эквивалентлари	1,352,296	1,119,834
Нопулли операциялар :		
Кўйилганларда ҳисоботдан ташқаридаги моддаларни тан олиш:		
-миқозларга кредит ва бўнақлар	(92,112)	-
-бошқа қарз маблағлари	92,112	-
Қарзни устав капиталга қўшимча сифатида киритиш		
-устав капитали	(2,230,053)	-
-бошқа қарз фондлар	2,230,053	-

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги “Deollete & Touche” МЧЖ аудиторлик компанияси (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 5 апрелдаги АФ № 00776-рақамли лицензиясига эга) томонидан тасдиқланган ва барча муҳим жиҳатлари бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2019 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботларининг тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида мавжуд.

Хизматлар лицензияланган.

НАЗОРАТ ВА ТАҲЛИЛ

БЮДЖЕТ ТАЛОН-ТАРОЖЛИГИГА ЧЕК ҚЎЙИЛМОҚДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ўтказилган 285 та назорат тадбирларининг 205 тасида 14,1 млрд.сўм миқдорда қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 2019 йилнинг мос даврига (6,1 млрд.сўм) нисбатан қонунбузилиш ҳолатлари 2,3 мартага ошган.

Мактабгача таълим вазирлиги тизимида ўтказилган 151 та назорат тадбирларининг 119 тасида 6,9 млрд.сўм миқдорда қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 2019 йилнинг мос даврига (4,3 млрд.сўм) нисбатан қонунбузилиш ҳолатлари 1,4 мартага ошган.

Маданият вазирлиги тизимида ўтказилган 170 та назорат тадбирларининг 162 тасида 2,6 млрд.сўм миқдорда қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 2019 йилнинг мос даврига (1,4 млрд.сўм) нисбатан қонунбузилиш ҳолатлари қарийиб 2 мартага ошган.

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимида ўтказилган 168 та назорат тадбирларининг 154 тасида

2 млрд.сўм миқдорда қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 2019 йилнинг мос даврига (0,5 млрд.сўм) нисбатан қонунбузилиш ҳолатлари 3,4 мартага ошган.

Сув ҳўжалиги вазирлиги тизимида ўтказилган 33 та назорат тадбирларининг 29 тасида 1,4 млрд.сўм миқдорда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.



Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимида ўтказилган 18 та назорат тадбирларининг 15 тасида 0,9 млрд.сўм миқдорда қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 2019 йилнинг мос



даврига (0,4 млрд.сўм) нисбатан қонунбузилиш ҳолатлари 2 мартага ошган.

Бундан ташқари, ҳокимиятлар ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияларида ўтказилган 85 та назорат тадбирларининг 78 тасида 4 млрд.сўм миқдорда қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 2019 йилнинг мос даврига (2,8 млрд.сўм) нисбатан

қонунбузилиш ҳолатлари 1,4 мартага ошган.

Шунингдек, йирик миқдорда қонунбузилиш ҳолатлари Андижон (8,9 млрд.сўм), Қашқадарё (8,2млрд.сўм), Тошкент (6,2 млрд.сўм), Жиззах (5,5 млрд.сўм), Сурхондарё (5,4 млрд.сўм), Наманган (4,6млрд.сўм), Фарғона (4,4 млрд.сўм) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри (7,9 млрд.сўм) ва Қорақалпоғистон Республикаси (5,5 млрд.сўм)даги бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларда аниқланган.

Бюджет қонунчилиги бузилган бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларнинг 47 нафар раҳбарлари ва бошқа манбасдор шахслари ўрнатилган тартибда 35 млн.сўм миқдорда жарима торитилган.

Шунингдек, 1 246 та назорат тадбирларида аниқланган 79,4 млрд.сўмлик қонунбузилиш ҳолатлари қонуний чоралар кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилган.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги
Ахборот хизмати

ҚОНУНЧИЛИК ЯНГИЛИКЛАРИ

АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛАРГА БИР ҚАТОР ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИ

“Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” Президент Фармони (ПФ-6029-сон, 20.07.2020 й.) қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, 2020 йил 1 июлдан 2020 йил 31 декабрга қадар: умумий овқатланиш корхоналари ва биноларни ижарага беришга ихтисослашган корхоналар айланмадан олинган солиқни тўлашдан озод этилади;

жисмоний шахслар кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар бўйича жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи тўлашдан озод этилади;

мол-мулкни (бинолар ва автомобиль транспорти) ижарага берувчи жисмоний шахсларга солиқ мақсадида ижара тўловларининг энг кам ставкаларини қўллаш тартиби тўхтатиб турилади;

ижарага берувчиларга 2020 йил учун ижара тўлови миқдорини пасайтириш мақсадида, шу жумладан тақдим этилаётган солиқ имтиёзларини инобатга олган ҳолда ижара тўловини қайта кўриб чиқиш тавсия этилади.

2020 йил 1 апрелдан 2020 йил 31 декабрга қадар умумий овқатланиш корхоналари алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йигини тўлашдан озод қилинади.

Президентнинг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон Фармонида белгиланган алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шугullanувчи корхоналарнинг ажратмалари миқдорини 5 фоиздан 3 фоизга пасайтиришга доир имтиёз мuddати 2020 йил 31 декабрга қадар узайтирилади.

Умумий овқатланиш корхоналарига алкоголь маҳсулотларини етказиб бериш орқали сотиш ҳуқуқи берилди.

“Huquqiy axborot” телеграм-канали

ЖОРИЙ ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДА БАНКЛАР ТИЗИМИ ЛИКВИДЛИГИ ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНДИ?

Марказий банк банк тизими ликвидлиги бўйича шарҳни эълон қилди. Унга кўра банк тизими ликвидлиги 2020 йилнинг II чорагида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун кредит тўловларининг кечиктириб берилиши, муомаладаги нақд пуллар ҳажмининг ортиши шароитида ҳам банк тизими ликвидлиги тўловлар узлуксизлигини таъминлаш учун етарлича барқарор даражада шаклланди. Бунда, асосан, инқирозга қарши чоралар фонида бюджет харажатларининг ортиши, Марказий банк пул-кредит операцияларининг фаол қўлланилиши, мажбурий захира меъёрларининг юмшатилиши ва олтин нархи ўсиши сабабли харид қийматининг кўпайиши ликвидликни қўллаб-қувватловчи омиллардан бўлди. Хусусан, тижорат банкларининг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварақлари ўртача ойлик қолдиги январь-июнь ойлари давомида 4,7-6,7 трлн. сўм доирасида шаклланиб, I чорак давомида таркибий профицитнинг қисқариши кузатилди.

Марказий банк 2020 йилнинг II чораги давомида эса банк тизими ликвидлигини қўллаб-қувватлаш ва тўлов тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида мажбурий захира лаш меъёрининг ўртачалаш коэффициентининг 2 мартаба оширилиши (1 апрелдан 35 фоизгача ва 15 июндан 75 фоизгача) банк тизимига қўшимча 2,8 трлн. сўмлик ликвидликнинг қайтарилишига ва умумий ликвидликнинг ортишига олиб келди.

Банк тизимидagi таркибий профицитни ҳисоблашда январь-май ойларида банкларнинг кунлик ўртача чиқим амалиётлари ва мажбурий захиралашнинг ўртачалаш коэффициенти қўлланилган бўлса, 15 июндан бошлаб 75 фоизлик ёки 4,3-4,5 трлн. сўмлик ўртачалаш суммаси тўлов тизими узлуксизлигини таъминлаш учун етарли миқдор сифатида баҳоланмоқда.

ЛИКВИДЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

2020 йил I ярим йилликда ликвидликнинг нисбатан барқарор тенденцияси уни оширувчи ва камайтирувчи омилларнинг таъсири асосида шаклланди.

Бунда, Марказий банкнинг ички валюта бозорига интервенциялари ва Молия вазирлиги томонидан давлат



қимматли қоғозларининг эмиссияси банк тизими ликвидлигини камайтирувчи асосий омиллардан бўлди. Тижорат банклари 2019 йилнинг сўнгги чораги давомида пруденциал меъёрларни бажариш мақсадида сезиларли ҳажмда ликвидлик сақлаган бўлсалар, йил бошидан бошлаб давлат қимматли қоғозлари эмиссия қилинганлиги банкларнинг вакиллик ҳисобварақларидаги даромадсиз ликвидликни даромад келтирувчи алтернатив активлар билан алмаштириш имконини берди.

Хусусан, 2020 йилнинг I ярим йиллигида Молия вазирлиги томонидан чиқарилган облигацияларнинг банк тизими ликвидлигига соф камайтирувчи таъсири 2,9 трлн. сўмни (ўтган йилнинг мос даврида 615 млрд. сўм) ва Марказий банк облигацияларининг соф камайтирувчи таъсири 1,4 трлн. сўмни ташкил этди.

ҲУКУМАТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ

Ҳукумат операцияларининг банк тизими ликвидлигига таъсири мавсумий характерга эга бўлиб, одатда йилнинг 1 ва 4-чоракларида даромадларнинг харажатлардан кўплиги ҳисобига ликвидликни камайтирувчи ва 2-3 чоракларда харажатларнинг кескин ортиши сабабли ликвидликни оширувчи таъсир кўрсатади. 2020 йилнинг I чорак давомида ҳукумат операциялари банк тизими ликвидлигини 5,1 трлн. сўмга камайтирган бўлса, II чорак давомида

коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инқирознинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини камайтириш ҳамда аҳоли соғлигини сақлаш соҳасидаги харажатларнинг кескин ортиши кузатилди.

Бунда, иқтисодий фаолликнинг пассивлиги билан бир қаторда солиқ тўловларининг кечиктирилиши натижасида бюджет даромадларининг камайиши ҳам муҳим омиллардан бўлди ва натижада II чоракда ҳукумат операцияларининг банк тизими ликвидлигига таъсири 7,4 трлн. сўмлик оширувчи характер касб этди.

Ҳукумат операцияларининг ликвидликка таъсири ой давомида турли йўналишда бўлиб, ой бошида бюджет ташкилоти ходимларига иш ҳақи ва пенсия тўловлари сабабли ликвидликни оширувчи характер касб этса, ойнинг сўнгги 10 кунлигида, асосан, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг амалга оширилиши орқали ликвидликни камайтирувчи омиллардан бўлди.

Ўз навбатида, ҳукумат операциялари таркибида: 1) Ўзбекистон Тикланиш ва Тараққиёт жамғармасининг (ЎТТЖ) банк тизими ликвидлигига таъсири дастлабки 4 ой давомида нисбатан мўътадил бўлиб, умумий ҳажмда 262 млрд. сўмга оширган. Май-июнь ойлари давомида эса иқтисодиёт фаолликни тиклаш мақсадида жами 1,3 трлн. сўмлик ликвидликни оширувчи омил бўлиб, “Ҳар бир оила – тадбиркор” давлат дастури доирасида кредитлар ажратилиши учун банкларга маблағлар йўналтирилган; 2) Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси даромад ва харажатларининг ликвидликка таъсири январь-февраль ойлари давомида сезиларсиз бўлиб, март-июнь ойлари давомида пахта етиштириш учун фермер хўжалиқларига кредитларнинг ажратилиши ҳисобига ликвидликни 2,1 трлн. сўмга оширди; 3) Давлат бюджети амалиётлари (Ягона газна ҳисобварағи орқали ижро) эса I чорак давомида 5,3 трлн. сўмлик камайтирувчи ва II чорак давомида 4,1 трлн. сўмлик оширувчи аҳамият касб этди.



Мазкур шарҳнинг тўлиқ матни Марказий банк вебсайтида келтирилган.

АМЕРИКА БАНКЛАРИ ҚАРЗДОРЛАРДАН ХАВОТИРДА

АҚШнинг йирик банклари коронавирус пандемияси ва нефть нархи тушиши туфайли юзага келган инқирознинг энг ёмон даврига тайёргарлик кўриб кўйди. Йирик олтита кредит ташкилотнинг учтаси – JP Morgan, Citigroup ва Wells Fargo банклари захира учун 28 миллиард АҚШ долларидан ортиқ маблағ йўналтирди.



The New York Times нашрида ёзилишича, банклар бу пулларни кредитлар буйича эҳтимолий зарарларни қоплашга сарфлаши кутилмоқда. Бойси банклар COVID-19 пандемияси шартлида миқозлар ўз қарзларини қайтара олмаслигидан хавотирда. Масалан, JP Morgan банки мамлакатда ишсизлик юқори даражада бўлиб, иқтисодиёт суст ривожланиши эҳтимоли учун алоҳида қўшимча захирага эга. Пандемия иқтисодиётни сустлаштириб кўйди, унинг таъсири токи унга

қарши вакцина ишлаб чиқилиб, кенг миқёсда қўлланила бошланмагунча шундай ҳолатда қолаверадим, — дейди Citigroup раҳбари Майкл Корбат.

Умуман олганда, Америка хукумати инқироздан зудлик билан чиқа олишига ишонқирамаяпти. Экспертлар таъкидлашича, эпидемия туфайли юзага келган инқироз бошидан бери 22 миллион америкалик ўз ишидан маҳрум бўлди. Бу эса иқтисодий фаолликка салбий таъсир кўрсатмоқда.

ЕВРОПАДА ЯГОНА ТЎЛОВ ТИЗИМИ ЯРАТИЛАДИ

ЯҚИН икки йилда Европа Иттифоқида янги умумевропа тўлов тизими Europeanpaymentsinitiative (EPI) юзага келади. Уни ишлаб чиқиш ишлари бошланаётганини Франция, Германия, Бельгия, Испания ва Голландиядаги 16 та йирик банклар эълон қилди.



ЯГОНА тўлов тизимини ташкил этиш масаласи еврохудудда узоқ вақтдан буён муҳокама қилиб келинади. Бироқ бу масала ё инқироз, ёки ЕИ нинг сиёсий иродаси етишмаслиги туфайли четга сурилари. Энди эса ҳақиқатдан ҳам ўзгариш бўлиши кутилмоқда.

Лойиҳа ташаббускорлари ваъда беришича, бу тизим "барча турдаги транзакция амалиётлари буйича амалга оширилаётган янги турдаги тўлов"ни ўзида қамраб олади,

шунингдек халқаро ўтказмаларда қўлланилади.

Умуман олганда, бундай амалиётларни бугун ҳам амалга оширса бўлади, бироқ умумий ҳолат бир мамлакатнинг бошқаси билан ишлаш жараёнида ўзгариб кетаётган эди. Қўшимчасига бугунги кунда тўлов амалиётлари соҳасида деярли монополистга айланиб улгурган Американинг Visa ва Mastercard компанияларини четга суришга фақатгина Европа янги тўлов тизимининг кучи етади. Бу тизим 2022 йилда иш бошлаши кутилмоқда.

ҚАНДАЙ АКТИВЛАР ҲАМ ДАРОМАДЛИ, ҲАМ ИНФЛЯЦИЯДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚОДИР?

СЎНГИ бир неча ойлarda Коронавирус билан курашиш тўғрисидаги қонуннинг ижроси доирасида АҚШ иқтисодиётига 2 миллиард доллардан ортиқ маблағни ўтказиш мақсадида Америка Конгресси ва ФТТ ҳамкорлиги фаоллашди.



БУ эса айрим инвесторларда инфляциянинг ўсишига сабаб бўлади деган хавотирни уйғотди. Уларда нархлар ошишидан ҳимояланиш учун айнан қандай инвестициялар киритилиши керак каби саволлар юзага келди.

Бу саволга энг тўғри жавобни топиш учун, аввало, активнинг даромадлилик даражаси билан инфляция даражаси ўртасидаги тафовутни аниқлаш керак. Бунинг ҳаммаси оддий: активнинг даромадлилик кўрсаткичи инфляция курсига қанчалик яқин бўлса, актив шунчалик вазмин даражада бўлади. Аниқроқ айтганда, активнинг корреляция коэффициентини 1 га қанчалик яқин бўлса, унинг ҳимоя қилиш даражаси шунчалик юқори эканлигини кўрсатади. Спектрнинг нариги томонида коэффициент кўрсаткичи 0 дан манфий 1 га бориши эса актив даромадлилиги инфляциядан тескари йўналишда ҳаракатланаётганини билдиради.

ЖИСМОНИЙ АКТИВЛАР ЎЗИНИ ОҚЛАЯПТИ

СЎНГИ 50 йил ичидаги турли активларнинг даромадлилиги ҳамда уларнинг инфляция даражаси билан алоқадорлиги ўрганилиши шуни кўрсатдики, инфляция билан корреляцияси юқори бўлган активлар сирасига металл, хусусий мулк ва хомашё билан боғлиқ активлар, яъни жисмоний активлар қиради. Корреляция коэффициенти энг юқори бўлмиш олтин ва нефть маҳсулотига 0,35 кўрсаткичи қайд этилган. Ундан сўнг қумуш ва хусусий мулкда 0,25 кўрсаткичи кузатилган.

ГАРЧИ узоқ вақтлар давомида бу активлар инфляциядан ишончли ҳимояланган бўлса-да, таъкидлаш жоиз, улардаги ҳақиқий ҳолат 0,35 коэффициентини билан чекланиб қолди, холос. Бу эса инфляция даражасидаги фақатгина 35 фоиз ўзгариш олтин ва нефть ёрдамида бир неча йил давомида қопланиши ёки сугурта қилиниши мумкинлигини англатади. Узоқ муддатли инфляциядаги қолган ўзгаришларни бу активлар ҳимоя қила олмайди. Ҳимоя қила олиш борасида энг самарали активларнинг охириги

ўринларида акция ва облигациялар туради.

Сўнги 50 йил давомида S&P 500 индексининг даромадлилиги ва ўрта муддатли облигацияларнинг корреляция кўрсаткичи -0,12 ва -0,14 га тенг бўлиб келди. Бу эса, инфляция даражаси секин-аста ўсиб бориши билан қимматли қоғоз ва облигацияларнинг даромадлилиги пасайиб боришини билдиради. Агар акциялар бозори ёки облигациялар бозори сизни инфляциядан ҳимоя қилишини кутсангиз, бу борада омад сиздан юз ўгириши мумкинлигини тушунишингиз керак.

ИСБОТЛАНГАН КЎРСАТКИЧЛАР


ХўШ, инфляция даражаси юқори бўлган даврларда бу қандай ишлайди? Агар турли типдаги активларнинг ўртача даромадлилик даражасига қарайдиган бўлсак, сўнги ўн йилдаги инфляция даражаси ўтган асрнинг иккинчи ярмидан буён кузатилган энг ёмон натижа эканлигини англаша бўлади. Маълумотларга кўра, йиллик инфляциянинг ўртача кўрсаткичи 10 фоизга тенг бўлди. Айни пайтда нефтьнинг йиллик ўртача даромадлилик кўрсаткичи 28,4 фоиз, олтин 20,9 фоиз, қумуш 17,5 фоиз, хусусий мулк 7,7 фоизга тенг бўлди.

СЎНГИ ўн йилликда S&P 500 индексининг ўртача даромадлилик улуши 3,4 фоизга етди. Худди шу борада облигацияларнинг улуши 3,2 фоизга тўғри келди.

Ҳозирча инфляция кўрсаткичи келажакда қандай бўлиши номаълум. Бироқ турли даражадаги солиқ имтиёзлари, шунингдек ФТТнинг облигацияларни харид қилиш дастури ёрдамида, шунингдек инвесторлар ўзини қимматли қоғозлари орқали ҳимоя қилишлари мумкин. Зотан, уларнинг қимматли қоғозлари АҚШ Ҳазнахонасидаги деярли ноль фоизли даромадли тақдим этувчи, аммо инфляциядан ҳимояланган облигацияларга нисбатан кўпроқ фойда келтириши мумкин. Шундай ўлини танлайдиган инвесторлар сўнги 50 йилдаги ҳолатдан сабоқ чиқариши керак: нефть, хусусий мулк ва металл акция ва облигация шаклидаги қимматли қоғозларга нисбатан анча фойдалироқдир.

Дерек Хорстмейер – Виржиния штати, Ферфаксдаги Жорж Мейсон университети қошидаги бизнес мактаб доценти.

ВИРТУАЛ ТЕХНОЛОГИЯ ИМКОНИАТЛАРИ



ДАРҲАҚИҚАТ, СОВИД-19 коронавирус инфекциясининг пандемияси бутун дунё бўйлаб одамларнинг турмуш тарзини ўзгартириб, бу ҳам иш жадвалига, ҳам инсонларнинг бўш вақтларига ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, Германия ва Европанинг бошқа кўплаб давлатларида пандемия сабаб турли даражадаги музейлар жиддий молиявий муаммоларга дуч келди. Айниқса, дунёдаги табиат музейлари бугунги кунга келиб жиддий зарар кўрмоқда. Шу боисдан бугунги кунда музейлар фаолиятини давлат томонидан ҳимоя қилиниши ва молиявий кўллаб-қувватланиши долзарб ҳисобланади.

ХУСУСАН, Ўзбекистон сани ҳалқаро стандартларга давлат табиат музейи – Марказий Осиёдаги дастлабки йирик илмий-маърифат муассасаси ҳисобланади. Музей кўргазма залларига Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, органик дунё эволюцияси, одамнинг пайдо бўлиши, республика табиати ва унинг бойликлари, улардан оқилна фойдаланиш тўғрисида кўплаб табиий экспонатлар, коллекциялар ва кўргазмали материаллар жой олган. Музейда жами 372021, хусусан, ботаника бўйича 10496, зоология бўйича 359642 (шундан 355045 ҳашаротлар), геология бўйича 1883 экспонат бор (2004). Музей фондида 400 мингдан ортиқ намуна бор: шу жумладан, 300 мингдан ортиқ ҳашаротни ўз ичига олган Ўрта Осиёда энг йирик энтомология фонди, минг varaқ гербарийдан иборат ботаника фонди ҳамда зоология ва география материаллари фақатгина Ўзбекистон олимлари ўртасида эмас, балки Мустақил Ҳамдўстлик Мамлакатларида ҳам машҳурдир.

Бугунги пандемия шароитида Ўзбекистон Давлат табиат музейи фаолиятини ривожлантиришда виртуал технологиялар имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этаётир. Шу жиҳатдан бугунги кунда "музейлар инфратузилма-

сини ҳалқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш орқали кўрсатиладиган хизматларнинг интерактивлигини ошириш, шу жумладан "smart" – технологияларни (ахборот дукончалари, 3D визуализация ва голограмма, QR-кодлар, чет тилларидаги электрон гидлар ва ҳоказолар) жорий этиш, аҳоли, энг аввало, ёш авлод учун мўлжалланган, интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда музейларнинг фаолиятига инновацион ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва музей экспонатларининг рақамли шакллари яратиш орқали музей экспонатларини кўриш имконини берадиган инфратузилмани яратиш" бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, музей экспонатларни виртуаллаштиришда махсус виртуал технологиялар алоҳида аҳамият касб этади. Булардан "Элар Ортери P5000", "ZBE Satellite", "BookEye GS", "Minolta PS7000", "Cruse" ҳамда "VIZERRA" 3D каби сканерларнинг аҳамияти томонлари ва уларнинг музейларда қўлланилишининг ижобий жиҳатлари мавжуд.

Улуғбек ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон давлат табиат музейи илмий ишлар бўйича директори ўринбосари

ОСМОНГА қаратиб тош отсангиз бошингизга тушади. Бу ўлчов. Дунё дунё бўлибдики ўлчовлар ичидадир. Ҳамма нарсанинг ўлчови ва ҳисоби бор. Бусиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. Мана шундай масаларни Метрология каби институтлар ўрганади.

ЎЛЧОВЛИ ДУНЁ

БАНК соҳасими, истаган жабҳага қаранг, турли мезонлар асосида бошқарилади. Ай-тайлик, Ойга биринчи парвоз 1959 йил 2 январда амалга оширилган бўлса, шунда "Луна-1" номли биринчи сунъий йўлдош Ойга 4660 миль масофага яқинлашган.

Ҳа, ўлчовсиз нарсанинг ўзи йўқ. Маълумотларга қараганда, дунёдаги 6,6 миллиарддан ошиқ аҳоли 6912 тилда сўзлашади. Лекин улар асосан энг оммавий 10 тилда кўп гаплашадилар, ёзув ишларини олиб борадилар. Булар инглиз, хитой, испан, япон, француз, португал, немис, араб, рус ва корейс тилларидир. Буларни ҳисоблайдиган, санаб чиқадиган, ўлчайдиган институтлар бор. Мана шу ҳисоб-китобга кўра, инсоният кўпроқ қайси тилда мулоқот қилишини кўриб чиқадиган бўлсак, бу борада хитой тилига тенг келадигани йўқ. Бугун ушбу тилдан 1 миллиард 210 миллион киши фойдаланади. Ҳинд тилида эса 487 миллион киши гаплашади. Кейинги поғонани испан тили эгаллаган бўлиб, бу тилда 358 миллионлик аҳоли ўзаро тиллашади. Дунёда кўп халқлар учун ўзаро алоқа ва мулоқот воситаси бўлиб келаётган инглиз тили тўртинчи ўринни эгаллайди, бугунги кунда у орқали 341 миллион киши суҳбатлашади. Тахминий ҳисоб-китобларнинг бешинчи поғонасини араб тили банд этган. Ундан 320 миллион одам фойдаланади.

Муҳтасар қилиб айтганда, банк соҳасида ҳам айни пайтда аҳолига хизмат қилаётган воситаларнинг барчасини миллий ва дунёвий ўлчови мавжуд бўлиб, бу асосан вақт ҳамда қулайлик билан боғлиқ. Бу воситалардан омилкорлик билан фойдаланадиган банклар эса аҳолига яхши хизмат турлари билан манфаат беради, деган умиддамиз.

Азамат ТўРАЕВ,
Ўзбекистон Миллий Метрология институти Матбуот хизмати раҳбари

ХОТИРАМИЗДА АБАДИЙ ҚОЛАДИ

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор **Ашур Қодирович Қодиров** 67 ёшида вафот этди.

Ашур Қодирович кўп йиллар давомида Тошкент давлат иқтисодиёт университетида талабаларга сабоқ берди. 1996-2006 йилларда Марказий банк раисининг ўринбосари лавозимида фаолият юритди. Сўнгги йилларда "Микрокредитбанк" АТБ раиси маслаҳатчиси, банк Ўқув марказининг директори вазифаларида ишлади.

А.Қодиров долзарб иқтисодий масалаларга бағишланган қатор мақолалар муаллифидир. Таниқли олим илмий изланишларини амалиётда қўллашди, кўплаб ёшларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилди. Ёшларнинг банк тизимида самарали меҳнат қилиши, етук кадрлар бўлиб етишишига муносиб ҳисса қўшди.

А.Қ.Қодировнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдираимиз.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ -ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

АХБОРОТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси

БОШ МУҲАРРИР
Бобур МУҲАММАДИЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ
Шукур ЖАББОР

**ОБУНА ВА РЕКЛАМА
БЎЛИМИ РАҲБАРИ**
Ўттам АБДУЛЛАЕВ
Тел: +998 90 0264090
71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18

Нашр индекси-102.

МУАССИС:

"Moliya yangiliklari agentligi" М-ҲК

Ахборот кўмаги
ЎзА, "Norma Hamkor" МЧЖ
www.finance.uz

Тахририят манзили:
100060. Тошкент ш., Юнусобод т.
Осиё кўчаси 1а

e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,
Чоп этишга тайёрловчи:
"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ
Газета тахририятнинг техник
ускуналарида саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан "Банк ахборотномаси" да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмайди. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайсанба куни чиқади. Буюртма № г 0087 А-1380 Нархи шартнома асосида. Газета А3 ҳажмда, 4 шартли босма табақда чоп этилди. Босишга рухсат этилди: 21.07.2020 й., 1 2 3 4 5 6